



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ОРАСИДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШНИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Сайдолим Мурадқосимович Мурадқосимов
Заррина Юсупжановна Расулова

Самарқанд Абу Али ибн Сино номидаги жамоат
саломатлиги техникуми

Аннотация. Бизнинг илмий ишимизда Самарқанд вилояти меҳнат-мигрантларини охирги 5 йил ичида мамлакатимизни тарк этиб ва қайтиб келганларнинг саломатлик ҳолати ўрганилган. Текшириш натижаларига кўра, меҳнат-мигрантларнинг мамлакатимизни қандай турда тарк этишидан қатъий назар, жинсий йўл билан юқадиган юқумли касалликларга мойил бўлади, асосан ОИВ/ОИТС касаллигининг юқиши ҳам бундан мустасно эмас, чунки бундай ҳолатларда ушбу касаллик аниқланган кишилар тиббий ёрдам олишдан чекланган бўлади ва кўпгина тўсиқларга учрайди. Жинсий йўл билан юқадиган юқумли касалликлар, бу инсонлар организмидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, у нафақат хар ҳил микроорганизмлар, вируслар ва зарарли ташиқ таъсирларга қарши курашадиган “жанг майдони” эмас, балки организмнинг умумий соғломлигини кўрсатадиган ойна ҳам бўлиб ҳисобланади. ОИТС касаллигига чалинган аксарият инсонлар ўз бошимчалик билан уйида даволанади. ОИТС касаллиги натижасида инсон организмида асосан микроорганизмлар билан курашадиган иммун жараён сусайиб кетади.

Калит сўзлар: ОИВ-инфекцияси, ОИТС, юқумли касалликлар, иммунитет, инфекция, меҳнат мигрантлари, эпидемиология.

Аннотация. В нашем научном исследовании изучалось состояние здоровья трудовых мигрантов Самаркандской области, покинувших и вернувшихся в страну за последние 5 лет. Согласно результатам исследований, независимо от того, каким образом трудовые мигранты покидают страну, они склонны к инфекционным заболеваниям, передающимся половым путем, и это особенно касается передачи ВИЧ/СПИДа. Такие случаи часто приводят к тому, что инфицированные лица ограничены в получении медицинской помощи и сталкиваются с многочисленными препятствиями. Инфекционные заболевания, передающиеся половым путем, являются одной из самых актуальных проблем в организме этих людей. Эти заболевания не только создают «поле битвы» против различных микроорганизмов, вирусов и вредных внешних воздействий, но и служат показателем общего здоровья организма. Большинство людей, инфицированных СПИДом, лечатся самостоятельно в домашних условиях. В результате СПИДа иммунный процесс, который в основном борется с микроорганизмами, в организме человека ослабевает.

Ключевые слова: ВИЧ-инфекция, СПИД, инфекционные заболевания, иммунитет, инфекция, трудовые мигранты, эпидемиология.

Abstract. Our scientific study examined the health status of labor migrants of the Samarkand region who left and returned to the country over the past 5 years. According to the research results, regardless of how labor migrants leave the country, they are prone to sexually transmitted infectious diseases, and this is especially true for the transmission of HIV / AIDS. Such cases often lead to the fact that infected individuals are limited in receiving medical care and face numerous obstacles. Sexually transmitted infectious diseases are one of the most pressing problems in the body of these people. These diseases not only create a "battlefield" against various



microorganisms, viruses and harmful external influences, but also serve as an indicator of the general health of the body. Most people infected with AIDS are treated at home on their own. As a result of AIDS, the immune process, which mainly fights microorganisms, weakens in the human body.

Key words: HIV infection, AIDS, infectious diseases, immunity, infection, labor migrants, epidemiology.

Мавзунинг долзарблиги. Хозирги вақтда жаҳонда 65 млндан ортиқ аҳолида ОИВ инфекцияси қайт этилган бўлиб, шундан йилига 1,7 миллиондан кўпроғи вафот этган.

Ўзбекистон Республикасида 48 минг дан ортиқ кишиларда ОИВ инфекцияси қайт этилган бўлиб, зарарланганларнинг аксарият қисмини меҳнат мигрантлари ташкил қилмоқда.

Кейинги 5 йилликда Ўзбекистон аҳолисида ташқи меҳнат мигрантлар оқимида ошиш ҳолатлари кузатилмоқда. Меҳнат мигрантлари аҳолининг турли гуруҳларидан иборат бўлганлиги туфайли (ёши, жинси) мигрантларнинг аниқ куламини баҳолаш бирмунча қийинчилик туғдирди. Уларнинг асосий қисми статистик ҳисоботдан утмайди. Баъзи давлатларда (Россия, Қозоғистон) виза режимининг йўқлиги ва мигрантларни ноқонуний ҳаракатланишлари ҳисоботларни нотўғри олиб борилишига олиб келади. Ўзбекистон ташқи миграция агентлигининг маълумотларига кўра, 2,6 млндан 3 миллионгача фуқораларимиз хорижга ишга кетишган бўлиб, улардан 72% Россияга, 20% Қозоғистонга кетишган.

Шу мунособат билан меҳнат мигрантлари учун ОИВ инфекциясидан ҳимояланиш чораларини такомиллаштириш, шунингдек улар орасида ОИВ инфекциясини тарқалишига сабаб бўладиган асосий омилларни урганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. (1,2,3.,4).

Мамлакатдан ташқарига йўналтирилган меҳнат миграцияси мамлакатнинг ривожига ижобий таъсири кўрсатиши билан бирга, салбий оқибатларга (одам савдосига) ҳам олиб келади.

Миграцияга ёшларни жалб этилиши ижтимоий назоратнинг кучсизланишига, хулқ-атвор ўзгаришларига, мигрантларни ОИВ инфекцияси бўйича хавф гуруҳларга кириб қолишига, уларда орасида касаликнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси шундаки, касалик куп ҳолларда палапартиш жинсий алоқа туфайли юктириб олмақда. Ушбу шахслар тиббий муолажалар, гигиеник воситалардан фойдаланиш коидаларга беписандликка йул қуйиш билан айбсиз инсонларга ҳам вирусни юктириб қуймоқда



Ишнинг мақсади. 2019-2023 йилларда Самарқанд вилояти меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекцияси билан зарарланишни эпидемиологик таҳлил қилиш.

Материал ва услублар. Тадқиқот ишлари ҳар бир кластерда респондентларни (меҳнат мигрантларини) танлаш оддий рандомизация усулида, махсус сўровнома асосида олиб борилди. Бунда 206759 нафар 20-ёшдан 59 ёшгача бўлган меҳнат мигрантлари 2019-2023 йиллардаги ҳолати ўрганилди.

Тадқиқот натижалари: Қуйидаги жадвалдаги маълумотларга кўра, миграция жараёни хусусиятлари ўрганилганида кузатувдаги 206759 нафар меҳнат мигрантлари асосан, Қозоғистон ва Россия давлатининг турли хил ҳудудларида бўлишган.

Самарқанд вилояти аҳолисининг миграцияга чиқиши ва улар ўртасида ОИВ инфекцияси ҳолати (йиллар ва ёш сони кесимида) жадвалда берилган.

Мигрантларни норасмий равишда мамлакатдан ташқарига чиқишини йиллар кесимида таҳлил қилинганда, 2019 йил 35882 нафар мигрантларнинг 77 (0,21%) тасида, 2020 йилда 15482 нафаридан 25 (0,16%) тасида, 2021 йил 46042 нафардан 113 (0,24%) тасида, 2022 йил 45793 нафаридан 72 (0,15%) тасида, 2023 йил 63560 нафардан 108 (0,16%) тасида ОИВ инфекцияси аниқланди. Жами 5 йил давомида 206759 та мигрантлардан 395 тасида (0,92%) ОИВ инфекцияси аниқланган. Кузатишларимизда мигрантлар сонининг ошиши, Самарқанд вилоятида ОИВ инфекцияси билан зарарланганларнинг умумий сонини камайишига қарамасдан мигрантлар орасида ОИВ инфекцияси билан зарарланиш ҳолатлари кўпайиши кузатилганлиги аниқланди. .

Йиллар	Мигрантлар сони	ОИВ инфекциялари шахслар	Фоиз микдори	Жами қайд этилган ОИВ Инфекцияси ҳолати	Умумий аҳоли сонига нисбаган фоиз ҳисобида .	Ёш сони кесмида					
						20-24	25-28	30-34	35-39	40-49	50-59
2019 йил	35882	77	0.21	434	17.7	3	11	22	27	11	3



2020йил	15482	5	0.16	240	10.4		8	7	6	3	1
2021йил	46042	13	0,24	465	24,3	20		21	25	15	10
2022йил	45793	2	0,15	481	14,9	1	13	19	27	7	5
2023йил	63560	08	0,16	456	19.2	11	27	28	21	14	7
Жами:	206759	395	0,92	2076	17,3	35	59	97	106	50	26

2020 йилда коронавирус пандемияси натижасида чет элга чиқиб ишлаган аҳолининг сони камайганлиги туфайли мигрантларнинг ОИВ инфекцияси билан зарарланиш сони ҳам пасайганлиги аниқланди. Олинган натижалар меҳнат миграцияси даврида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг ошиши меҳнат мигрантлари сонининг йилдан йилга ошиши билан тўғри пропорционал эканлигини кўрсатмоқда. Юқоридаги жадвалга асосан вилоятнинг 206759 нафар аҳолисининг 395 нафари меҳнат миграцияси вақтида ОИВ инфекцияси билан зарарланган. ОИВ инфекцияси билан зарарланганларни 35 таси 18-24 ёш, 59 таси 25-29 ёш, 97 таси 30-34 ёш, 106 таси 35-39 ёш, 50 таси 40-49 ёш ва 26 таси 50-59 ёшдаги кишилардан иборат эканлиги аниқланди. ОИВ инфекция билан зарарланган кишиларнинг 395 нафари (87,8%) 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишилар бўлиб, аҳолининг энг фаол меҳнат қилиш даврига тўғри келади. ОИВ инфекция билан зараланган кишиларнинг меҳнат самарадорлиги пасайишига олиб келиб, ўз ватанига чиқарилиб юборилишига сабаб бўлади. ОИВ инфекцияси билан зарарланган меҳнат мигрантларининг 94 нафари 20-25 ёшдаги фуқоралар бўлиб, уларнинг 35 нафари турмуш қурмаганлиги аниқланди. Текширув натижаларига ОИВ инфекциясини купайишида меҳнат миграциясининг хиссаси борлиги аниқланди.

Хулоса. Меҳнат миграцияси билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси билан зарарланиш 2019- 2023 йиллар ичида меҳнат миграцияси билан шуғулланмайдиган аҳолига нисбатан 0.92 % кўп учраши аниқланди.

Меҳнат миграцияси билан шуғулланувчи аҳолининг ОИВ инфекцияси билан зарарланиши асосан 25-50(87.8%) ёшли фуқоралар ташкил қилиши аниқланди.

Тавсиялар. Меҳнат миграциясидан қайтиб келган аҳоли ўртасида профилактик чора тадбирларни янада такомиллаштириш ва уз вақтида тиббий курикни ташкил этиш керакдир.



Адабиётлар:

1. Saidolim, M., & Toxirovich, M. T. (2023). PREVENTION OF HIV INFECTION AMONG HEALTHCARE WORKERS. *World Bulletin of Public Health*, 19, 189-193.
2. Murodkosimov, S. M., Mamatkulov, T. T., & Ismoilov, O. I. (2022). PREVENTING HIV INFECTION AMONG HEALTH-CARE WORKERS. *Frontline Medical Sciences and Pharmaceutical Journal*, 2(03), 35-40.
3. Муродқосимов, С., & Юсупов, М. (2023). САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ҲОЛАТИНИ ЭПИДЕМИОЛОГИК БАҲОЛАШ. *Евразийский журнал медицинских и естественных наук*, 3(4 Part 2), 20-23.
4. Murodkosimov, S., Temirovich, E. R., Egamberdievich, M. A., Toirovich, M. T., & Khudshidovna, S. U. (2022). PREVENTING HIV INFECTION IN PREGNANT WOMEN. *World Bulletin of Public Health*, 10, 143-145.
5. Kamalova, M. I., Ismoilov, O. I., & Murodkosimov, S. M. (2022). SONOGRAPHIC EXAMINATION OF CONGENITAL AND ACQUIRED DISEASES OF THE CHEST IN PAEDIATRICS. *Frontline Medical Sciences and Pharmaceutical Journal*, 2(02), 10-16.
6. Ismoilov, O. I., Murodkosimov, S. M., & Kamalova, M. I. (2021). ANATOMO PHYSIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE DIGESTIVE SYSTEM IN CHILDREN (LITERATURE REVIEW). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(7), 143-149.
7. Муродқосимов, С., Маматкулов, Т. Т., & Нуриддинович, Қ. Н. (2023). САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА СИЛ КАСАЛЛИГИ АНИҚЛАНГАН ҲОЛАТЛАР БУЙИЧА ЭПИДЕМИОЛОГИК БАҲОЛАШ. *GOLDEN BRAIN*, 1(12), 172-177.
8. Murodkosimov, S., Khodzhieva, S. Z., Ugli, A. M. B., & Dilshodovich, A. M. (2022). THE DIAGNOSTIC VALUE OF COMPUTED TOMOGRAPHY IN THE DIAGNOSIS OF COVID-19 DISEASE. *World Bulletin of Public Health*, 10, 127-133.
9. Муродқосимов, С., Валиева, М., & Ерманов, Р. (2023). АММАФОС ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ХОСИЛ БЎЛАДИГАН ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИ БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНАГА ОИД БАҲОЛАШ. *Interpretation and researches*, 1(8).
10. Муродқосимов, С., Осланов, А. А., & Кадиров, Ж. Ф. (2021). ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДА ПСИХОЛОГИК ЎЗИНИ-ЎЗИ КУЗАТИШ УСУЛИНИ АҲАМИЯТИ. *Scientific progress*, 2(4), 87-91.
11. Ubaydullaevich, N. D., & Shodievich, S. H. (2023). IMMUNOLOGIYA FANINI O 'QITISHDA INSIDENT INTERFAOL USULINI QO 'LLASH. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(8), 57-59.



12. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., & Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
13. Shodievich, S. H., & Fazliddinova, B. M. (2023). STORAGE OF SALMONELLA, ESHIRICHIA AND STAPHYLOCOCCUS IN SOME DAIRY PRODUCTS DURING ITS STORAGE AT DIFFERENT TEMPERATURES. World Bulletin of Public Health, 19, 136-141.
14. Hamzaevna, S. J., Hamzaevich, S. J., Roziqovna, R. M., & Shodievich, S. H. (2024). OLIY O 'QUV YURLARINING ILK KURSLARIGA QABUL QILINGAN TALABALAR RUHIY HOLATIGA BIOLOGIK RITM O 'ZGARISHINING SALBIY TA'SIRLARI. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(4), 201-203.
15. Шайкулов, Х. Ш. Antibiotikorezistent laktobakteriyalardan foydalanishning samaradorligi / Х. Ш. Шайкулов, С. М. Хайтов, Ф. Б. Эшмаматова, М. Б. Ташполатова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2023. — № 10 (457). — С. 268-271. — URL: <https://moluch.ru/archive/457/100581/>

